

A group of men in suits are gathered around a table, looking at and discussing documents. One man in the foreground is looking up at the others. The setting appears to be a formal meeting or conference.

A collage of seven photographs showing participants at the 2015 World Economic Forum in Davos. The images depict various attendees, including men and women in business attire, some wearing headphones, and a man speaking at a podium with microphones.

Қорақалпоғистон Республикасида тузилган барча сайлов участкаларида ҳам Президент сайлови юқори даражадаги фаоллик ва уюшқоқлик билан ўтди. **2**

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — 2016

САЙЛОВЧИЛАР УЧУН

ҳамма шароит яратилди



Зайнабхон
МАМАЖОНОВА,
Бухоро давлат
университети
талабаси:

— Яқинда 18 ёшга тўлдим ва бугун биринчи марта ўз сайлов ҳуқуқимдан фойдаландим. Сайлов олди тарғиботлари жараёнида Президентликка номзодларнинг дастурлари билан танишдим. 131-сайлов участкасига чиқиб, улар



Абдуманно
ФАТТХОВ,
Ўзи оқил
жамияти Сирғали
туман бўлими раиси:

— Бу йил 70 ёшга тўлдим. Ўтган умрим давомида кўплаб ҳаёт ҳақиқатларини англадим. Бизнинг юртимизда ҳар бир инсон юксак кадрланади. Гапни узокдан бошлашимдан мақсад барчага тенг ҳуқуқ ва имкониятлар



Султонбой АЗИЗОВ,
Наманган шаҳридаги
26-сайлов
участкисидаги
ЎЗДП
кузатувчиси:



Мунира
МИРДАДАЕВА,
меҳнат фахрийси
(Тошкент шаҳри):

— Ёшим 66 да. Фарзандларим, набираларим эрта тонгдан сайлов участкасига боришди. Уларнинг тайёргарликларини кўрган одам байрамга кетаяпти,

орасидан ўзим танлаган муносиб номзод учун овоз бердим. Овоз бериш пайтида катта ҳаяжон ва масъулият ҳис қилдим. Чунки фуқаролик бурчимни адо этиш, мамлакатимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшиш имкониятидан фойдаландим.

Сайлов кунига қадар номзодларнинг дастурий мақсадларини таҳлил этдим, ўзим яшаётган маҳалланing ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб уларни таққосладим. Чунки мен кўлабқувватлаган номзод эртага меннинг, яқинларим манфаатини ҳимоя қилиши, мамлакатимизни тараққий эттириши керак. Демак, сайлов сайловчи учун катта масъулият, мен каби йигит-қизларга билдирилган юксак ишонч, дегани. Бугун ана шу ишончни оқлашга ҳаркат қилдим.

яратилган ватанда яшаётганимдан мамнунлигимни айтиш.

Бунга мисол қилиб бу йилги сайлов жараёнларини олишимиз мумкин. Имконияти чекланган ёки сайлов кун овоз бериш участкасига кела олмайдиган фуқаролар учун ҳам барча шароитлар яратилди. Айниқса, брайл шрифти сайлов бюллетенларининг жорий этилиши мени жуда қувонтирди.

Бугун биринчи марта бировнинг кўмагисиз номзодларнинг дастурлари билан танишиб, шахсан ўзим, овоз бериш имконига эга бўлдим. Очигини айтсам, бу йил сайловда илк бор овоз берганимдан қувонч билан қўлатиб бордим. Овоз бериш қонунда белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилди.

— Участкамизда 2330 нафар фуқаро рўйхатга олинган. Уларнинг 11 нафари муддатидан олдин овоз берди. 65 нафари эса биринчи марта сайловда иштирок этди.

Кузатувчиларнинг сайловдаги иштироки сайловнинг очик-ошкора ўтишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Сайлов жараёнини диққат билан кузатиб бордим. Овоз бериш қонунда белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилди.

Яна бир нарсани айтишни истардим. Овоз беришга келган юрtdошларимизнинг кўтаринки кайфиятини кўриб, хурсанд бўлдим. Тинчлигимиз ва тараққиётимизга ишончим янада орtdи.

деб ўйлаш мумкин. Ҳавас билан уларни кузатиб қолдим.

Оёғим оғрийди, яхши юра олмайман. Овоз беришга чиқолмаганимдан кайфиятсиз ўтирган эдим. Бир пайт уч киши уйимга келди. Сўрасам, 212-сайлов участкасиданми, дейишди. Улар менга ўша, сайловга чиқа олмайди-ганларнинг уйларида бори, оғирини енгил қилаётган экан. Барака топшисин.

Сайлов ҳуқуқидан фойдаланишимиз учун яратилган имкониятлардан мамнунман. Фарзандларим, набираларим келажаги, Ватанимиз тараққиёти учун овоз бердим.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

■ «Овоз беришга келган юрtdошларимизнинг кўтаринки кайфиятини кўриб, хурсанд бўлдим. Тинчлигимиз ва тараққиётимизга ишончим янада орtdи».

ХАЛҚИМИЗ ЮКСАК СИЁСИЙ ФАОЛЛИК КЎРСАТДИ



ЎЗА сураги.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 57-сайлов участкасидан 2976 нафар сайловчи рўйхатга олинган. Шундан 15 нафари муддатидан олдин овоз берди.

— Эрта тонгданок сайлов участкасига ёши улғур нуроний отахон онахонлар, ёшлар бирин-кетин ташриф буюришди, — дейди 57-участка сайлов комиссияси раиси Давлатбой Пахратдинов.

Халқимизнинг сайловга бўлган муносабати ва масъулияти юқориликни кузатдик. Фуқароларимиз сайловга бефарқ эмаслигини кўрсатиб, ҳар бири сайлаш нафақат конституциявий ҳуқуқи, балки инсоний бурчи эканини исботлади. Участкамиздан 64 фуқаро биринчи марта овоз берди. Сайловчилар овоз бериш жараёнида фаол қатнашгани фуқароларнинг юртимиз тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидан далолат беради.

Сайлов жараёнида овоз берганимизда бўлганимизда ҳам бунга амин бўлдик.

— Участкамизда 30 нафар ёш сайловда илк бор овоз берди, — дейди 348-сайлов участкаси котиби Шарофатдин Утеулиев.

Шунингдек, 6 нафар жисмоний имконияти чекланган фуқаролар учун уй шароитида овоз бериш имконияти яратилди.

Участкамизда сайловга барча шарт-шароитлар ҳозирланди. Оналар ва болалар, тиббиёт хоналари фуқароларимиз хизматига бўлди.

Манақатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз хоҳиш-истакларини эркин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси аъзолари ўз вазифаларини сийқидилдан бажаришди. Сайловчиларнинг ҳар бири шахсан ўзи келиб овоз берди.

Нукус туманидаги сайлов участкаларида бўлганимизда ҳам бунга амин бўлдик.

— Участкамизда 30 нафар ёш сайловда илк бор овоз берди, — дейди 348-сайлов участкаси котиби Шарофатдин Утеулиев.

Шунингдек, 6 нафар жисмоний имконияти чекланган фуқаролар учун уй шароитида овоз бериш имконияти яратилди.

Участкамизда сайловга барча шарт-шароитлар ҳозирланди. Оналар ва болалар, тиббиёт хоналари фуқароларимиз хизматига бўлди.

Манақатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сурхондарё вилоятидаги сайлов участкалари ҳам эрта тонгданок сайловчилар билан гавжум бўлди. Президент сайловини очиклик, тенглик ва адолат тамойиллари асосида ўтказиш учун барча шароитлар яратилди.

Вилоятнинг Шўрчи туманида 55 та сайлов участкаси тузилган. Уларнинг барчасида овоз бериш жараёнлари сайловчиларнинг фаол иштироки асосида ўтди. Кекса ва ёш бирин-кетин сайлов участкаларига келиб, ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишди.

— Сайлов участкасидан 1 минг 706 нафар сайловчи овоз берди, — дейди тумандаги 484-участка сайлов комиссияси раиси Барчино Содиқова. — Маҳалладошларимизнинг ҳар бири фуқаролик масъулиятини ҳис қилган ҳолда, байрамона кайфиятда участкага келди. Сайлов участкасига кела олмайдиган 8 нафар фуқарога ўз хонадонларида овоз бериш имконияти яратилди.

Сайёра АЛЛАБЕРДИЕВА

Навоий вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови сайловчиларнинг юксак фаоллиги билан ўтди. Вилоят ҳудудида 363 та сайлов участкаси ташкил этилган эди.

5-Навоий округ сайлов комиссиясига қарашли 300-участка сайлов комиссиясидан 2696 нафар сайловчи рўйхатга олинган. Уларнинг 61 нафари сайловда биринчи марта овоз берган ёшлардир.

Сайловнинг очик ва ошкора ўтишини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари, халқро ва сиёсий партияларнинг кузатувчилари учун қўлай шароитлар яратилган.

Халқро кузатувчилар сайлов жараёнларини юқори баҳолашди.

— Юрtingизда сайловга пухта тараддуд қўрилган. Жойлардаги сайлов участкаларида бўлиб, сайловчилар эркин ва мустақил овоз бераётганининг гувоҳи бўлдик, — деди Швейцариядаги «Дива Интернейшнл» журнали бош муҳаррири, Марит Фосс. — Энг муҳими, фуқаролар амалдаги сайлов қонунчилиги, Президентликка номзодлар ҳақида етарли маълумотларга эга. Бу, албатта, сайловнинг ошкора ва демократик руҳда ўтишини таъминлади.

Юрtingизда туртинчи бор бўлишим. Сайлов жараёнларини эса

Фуқароларимиз сайловга бефарқ эмаслигини кўрсатиб, ҳар бири сайлаш нафақат конституциявий ҳуқуқи, балки инсоний бурчи эканини исботлади.

учинчи марта кузатаяпман. Таъқидлаш лозимки, мамлакатнингизда сайловдан сайловгача фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги, фаоллиги ўсиб борапти. Шунингдек, сайлов тизими ҳам янада такомиллашмоқда. Сайловларнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилиши ва бу тузилмага конституциявий мақом берилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки бундай амалиёт аксарият мамлакатлар сайлов қонунчилигида кузатилмайди.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг собиқ аъзоси Жим Моран билан учрашув бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатининг Ташкил сийбас масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев билан суҳбат чоғида АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорлик ҳамда очик мулоқот асосланган муносабатлар қарор тоғини қайд этилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида кўплаб соҳаларда, хусусан, илм-фан, иқтисодиёт, тиббиёт, маданият ва таълим, қишлоқ ҳўжалиги йўналишларида йўлга қўйилган самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

— Ўзбекистонда мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни юксалтириш ва демократияни ривожлантириш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатни юқори баҳолаймиз, — дейди Жим Моран. — Юрtingизда адолатли, очиклик асосида ўтган сайлов жараёнига ҳавас қилса арзийди. Сайлов участкаларидаги кўтаринки кайфият, сайловчилар учун яратилган қўлайлик, шарқона одоб, юксак маданият ва ҳурмат асосида олиб бориладган сайлов жараёнлари бизда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда уюшқоқлик билан ўтган ушбу сиёсий жараёни бутун дунё кўзатиб турди. Бу билан ўзбек халқи ҳар қанча фахрланса арзийди.

Ўзал САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

106 ЁШЛИ БАДАЛ БОБО

барчага ўрнатилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига юз ва юз ёшдан ошган табарруқ юрtdошларимиз ҳам фаол иштирок этди.

Сурхондарё вилоятида 120 нафарга яқин юз ёшдан ошган отахон ва онахон истиқомат қилмоқда. Шулардан бири Бадал бобо Хуррамов Музработ туманидаги Сополитена маҳалласида яшайди. Отахон 51 йил оддий деҳқон бўлиб ишлади, трактор ҳайдади. Уруш йиллари фронт ортида меҳнат қилди. Музработ туманини боғу бўстонга айлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Турмуш ўртоғи Норхон момо билан 9 фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. 50 га яқин неваро, ўндан ортик чеваранинг суюкли бобосига айланди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 25 августдаги фармонида мувофиқ, Бадал бобо «Шўхрат» медали билан тақдирланди.

Айни пайтда 106 ёшни қарши олган Бадал бобо бардам, хотираси мустаҳкам, фикри теван. Тумандаги 155-сайлов участкасига келиб, ўзи танлаган номзодга овоз берди.

— Мен кўрган сайловларнинг саногий йўқ, — дейди отахон. — Лекин у пайтларда сайласанг ҳам сайлайсан, сайламасанг ҳам сайлайсан, дегандай битта номзод кўрсатиларди. Хўп замонлар экан-да, биров нега бундай, сайлов бўлса бир неча номзод орасидан танлаш керак эмасми, деганман. Девёлмаган. Сайлов деганлари шу бўлса керак, деб кетаверганимиз. Энди бари ўзгарди. Бир неча номзод. Таржимаи ҳоли, дастури билан таниш-да, ўзинг маъқул, деб билганингга овоз бери! Мана, сайлов қандай бўлар экан. Бунинг устига сайловчилар учун яратилган шароитлар-чи?! Таклифнома беришга келишганида комиссия аъзолари «бобо, уйингизга ўзимиз кўти олиб келамиз», дейишди. Тўғриси, қўнглимга теғди. Худого шукр, хали куч-қувватим бор, участкага ўзим бораман, дедим. Мана, сахар мардонда келиб ўзим маъқул, деб билган номзодни ёқлаб, набира, эварою чеваралар, юртимиз ёшларининг бахту камоли учун овоз бердим. Ҳаётимнинг кучга тўлган йиллари кўрмаган эъзоз ва эътиборга сазовор бўлганим ҳам, йилдан-йилга ўзимни яшараётгандек ҳис этиб, фаровон турмуш кечираётганим ҳам мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, биз, кексаларга кўрсатилган ҳурмату эъзоз туфайлидир. Илоҳим, тинчлигимиз, тўқин-сочинлигимиз абадий бўлсин! Мана шунинг учун овоз бердим-да, болам!

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.



Фархат АЛИЕВ олган сураги.

БЕМОРЛАР

ўз уйида овоз берди

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасида белгилангандек, айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра, овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, участка сайлов комиссиясига уларнинг илтимосига биноан комиссия аъзолари овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови пойтахтимиздаги 170-сайлов участкасига ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Участка сайлов комиссиялари аъзолари кузатувчилар ҳамроҳлигида сайлов участкасига кела олмайдиган сайловчиларнинг уйларида махсус кўча кўти ва бюллетенларни олиб берди.

Миробод тумани, Нукус кўчаси, 77-а уйда

Маҳаллада истиқомат қилувчи Евгений Понякин ҳам ўз уйида овоз берди.

— Кейинги пайтда соғлиғим ёмонлашиб, юра олмай қолдим, — дейди у. — Шу сабабли сайлов участкасига бора олмадим. Уйда овоз бериш истагим борлигини айтдим. Маҳалламиз фаоллари, сайлов участкаси аъзолари бир неча марта келиб, бўлаётган жараёнлар билан таништиришди. Телевидение орқали номзодларнинг дастури ҳақида маълумотга эга бўлдим. Улар орасидан маъқул кўрганымни танлаб, овоз бердим.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.

Дилбар ИСМОИЛОВА,
Қибрай академик лицейининг
иккинчи босқич ўқувчиси.

СЎЗ – ЁШЛАРГА
ВА ХАЛҚАРО
КУЗАТУВЧИЛАРГАПОРЛОҚ
КЕЛАЖАК УЧУН
ОВОЗ БЕРДИК

Пойтахтимизнинг «Янги Миробод» маҳалласидаги 170-сайлов участкасига юртдошларимиздан интервью олиш мақсадида соат 05:30 да етиб бордик. Хали вақтли, одамлар келмаган бўлса керак, деб ўйлагандик. Йўқ, адашган эканмиз. Маҳалла аҳли, сайлов участкаси очилишини кутиб, навбатда турганди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради.

Биз биринчи бўлиб овоз берган, биринчи марта овоз бераётган юртдошларимизни суҳбатга тордик.



Бахтиёр
АХМЕДОВ,
талаба:

— Олдинги сайловларда биринчи бўлиб овоз бергани келган одамни қарсақлар билан кутиб олишганини кўриб, бу сафар ҳаммадан олдин бораман деб ният қилгандим. Аслини олганда мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар қандай одам тезроқ овоз бериш ҳақида ўйлайди.

Бизда сайловлар ёпиқ кўринишда ўтказилади. Ҳеч бир инсон қайси номзодга овоз бергани ҳақида гапиришга мажбур эмас. Мен ҳам юртимизнинг порлоқ келажаги учун ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бердим.



Мадина
ХОЛИҚОВА,
абитуриент:

— Биринчи марта овоз бераётганим сабабли, бироз ҳаяжонландим. Онамни қўймай эрта тонгда участкага олиб чиқдим. Тўғриси айтсам, ҳозир ўзимни росмана улғайган, катта бир сиёсий жараён иштирокчиси, деб сезялман.

Биринчи марта овоз бераётган фуқароларга совға топширилишини билмас эдим. Бугун менга ҳам совға беришди. Бунинг учун ташкилотчиларга раҳмат айтаман. Келаси йилда олий ўқув юртига кириб, чуқур билим олиб, юртим равнақига ҳисса қўшмоқчиман.



Денис БОЗ, UNDP
(Бирлашган Миллатлар
Ташкилати Тараққиёт
Дастури) ходими:

— Ўзбекистон инсон кадри улуғланадиган юрт. Бу ерда яшовчи турли миллат вакиллари ҳам ўзбек тилини яхши тушунади. Шундай бўлса ҳам рус тилида ҳам сайлов бюллетенлари чиқарилган. Бу эса Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари алатта хурсанд қилди.

Сайловда берилган ҳар бир овоз муҳим аҳамиятга эга эканини биламан. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов жуда катта ишларни амалга оширганди. Мен у киши бошлаган ислохотларни давом эттира оладиган муносиб номзодга овоз бердим.



Лазмат УМРБОВА,
Тошкент
фармацевтика
институтини
қошидаги академик
лицей ўқувчиси:

— Илгари сайловда овоз бераётган ёши катта одамларни кўриб, уларга ҳавас қилардим. Тезроқ улғайиб, бу жараёнда қатнашим келарди.

Мен Президентликка номзоди кўрсатилган ҳар бир номзоднинг сайловчилар билан учрашувларини кузатиб бордим. Уларнинг таржимаи ҳоли билан тўлиқ танишиб чиқдим. Шундан келиб чиқиб, ўзим танлаган номзодга овоз бердим.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АБЗАМ ёзиб олди.

■ «Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги бир неча сайлов участкаларида бўлдим. Қайси сайлов участкасига бормайлик, у ердаги тозалик, озодалик, одамлар юз-кўзидаги кўтаринкилик, байрамона кайфият хорижлик кузатувчилар руҳиятига ҳам ижобий таъсир этди.»

ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС УЙФОТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун мамлакатимизга келган хорижий давлатлар, турли халқаро ташкилотлар кузатувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари Самарқандда ҳам сайлов жараёни билан танишди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилиб, ҳурмат бажо келтирди. Мухбиримиз айрим кузатувчиларнинг таассуротлари билан қизиқди.

Лиза УИЛЬЯМС, конгрессмен, Э.Фалеомеваеги маъмурияти раҳбари (АҚШ):

— 2013 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов суҳбатидан баҳраманд бўлган эдим. Буюк давлат ва сиёсат арбоби билан бўлган ўша суҳбат кечагидек эсимда. Ушбу мулоқот чоғида халқаро иқтисодий сиёсат ботида кўп нарсани ўрганганман. Шу боис, Самарқандга ташрифимни у кишининг қабрини зиёрат қилишдан бошладим.

Сайлов жараёни ҳақида айтганим бўлсам, Президентликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган сайловолди ташвиқоти билан танишиб чиқдим ва уларнинг ҳар бирига матбуот саҳифалари, телевидение ва радио орқали чиқиш қилиши учун тенг имкониятлар яратилган. Бу Ўзбекистоннинг умумэтироф этилган демократик қадриятлар тарафдори эканидан далолатдир.

Бахтиёр ХУДОЁРЗОДА,
Тожикистон Республикасининг
сайлов ва референдумлар бўйича
марказий комиссияси раиси:

— Ўзбекистон сайлов тизимини яхши хабардорман. Мамлака-

тингиз сайлов қонунчилиги халқаро стандартларга тўла мос келади. Сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқи ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик принциплар таъминланмоқда. Сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистонда ижтимоий ва давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон йилдан-йилга ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Айниқса, Самарқанд шаҳри менга жуда ёқди. Бу ерда амалга оширилаётган кенг қўлмали бунёдкорлик ишлари — замонавий иншоотлар, кенг йўл ва кўприklar, турли боғ ва хиёбонлар, замонавий муҳташам майдонлар кишини мафтун этади.

Исмини КРИАРИ,
Афина Пантеон ижтимоий
ва сиёсий фанлар университети
ректори, конституциявий
ҳуқуқ профессори (Греция):

— Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги бир неча сайлов участкаларида бўлдим. Қайси сайлов участкасига бормайлик, у ердаги тозалик, озодалик, одамлар юз-кўзидаги кўтаринкилик, байра-

мона кайфият хорижлик кузатувчилар руҳиятига ҳам ижобий таъсир этди.


Участкаларда сайловчилар учун барча шароит яратилган. Уларда сайловчилар умумий рўйхатидан ташқари сиёсий тадбирда илк бор қатнашаётган, шунингдек, ногирон сайловчиларнинг рўйхати алоҳида-алоҳида шакллантирилган. Айниқса, кўзи ожизлар учун брайль алифбосидаги сайлов бюллетенлари ташкил қилинган мамлакатимизда барча фуқаролар тенг имкониятга эгаллиги, инсон қадр-қиммати, манфаатлари ҳар нарсадан устувор экани далилидир.

Сайлов участкаларида она ва бола хонасининг ташкил этилгани эътиборимни тортди. Бизнинг сайлов тизимимизда оналар ёки болалар учун бундай имконият яратилмаган. Бу тажрибани дунё миқёсида оммалаштиришни таклиф этган бўлардим.

Ги Оливье ФОР, Сорбонна университети профессори,
халқаро музокаралар бўйича
мутахассис (Франция):

— Ўзбекистонда ушбу сиёсий жараёнга халқаро талаблар даражасида тараддуд қўрилган. Айниқса, сайловчилар учун тарқатилган таклифнома эътиборини тортди. Унга номзодлар рўйхати, сайловчиларнинг ҳуқуқий мақоми, сайлов қонунчилигига доир меъёрий ҳужжатлардан содда ва пўнда қилиб бандлар киритилган.

Участка раиси, ўринбосари ва аъзолари бир неча тилда бемалол суҳбатлашаётгани мени ҳайратлантирди.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Бу Ўзбекистонда чет тилларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилаётгани исботидир.

Давид ГЕЕРТС,
Бельгия парламенти вакил-
лар палатаси аъзоси:

— Сайлов участкаларини кузатиб, Ўзбекистон ва Бельгия сайлов тизимидаги муштарак жиҳатларга гувоҳ бўлдик. Участка сайлов комиссиялари аъзолари самарали фаолият кўрсатмоқда. Тизимга юқори тажрибали мутахассислар жалб қилинган, сайлов жараёнида халқингизга хос миллий-маданий жиҳатлар акс эттирилгани диққатга сазовор.

Самарқанд ҳақида кўп эшитганман. Бу шаҳар юксак цивилизация, йирик маданият марказидир. Бугун уни томоша қилиб, дол қолдим. Самарқанд мен ўйлаганимдан ҳам гўзал ва мафтункор экан. Таърихий обидалар ва замонавий иншоотлар жуда кўп. Бу қадимий обидаларнинг тарихи, уларда сақланаётган ноёб ашёлар ҳақида маълумотларни тинглаб, ўзбек халқи тарихи нақадар қадимий ва бой эканига амин бўлдим. Бу маданий бойлик авлоддан-авлодга безавол етказилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

ЎЗА мухбири
Ҳ.ҲАСАНОВ ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН

ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ
МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Шу муносабат билан Тошкент вилоятининг «Ғишқўрик» божхона постида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Б.Ахмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Р.Қушербаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Турдиқулов ва бошқалар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари йилдан-йилга ривожланиб, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар юксалиб бораётганини таъкидлади. Азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, аҳлиноқ яшаб келаётган ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи, тили, урф-одат, анъана ва қадриятлари ҳам ўхшаш.

Делегация аъзолари дастлаб пойтахтимизда Биринчи Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Хазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси халқаро алоқалар бўлими муdiri М.Шокиров меҳмонларга мажмуанинг тарихи, мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг қўлмали тиклаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, мажмуада жойлашган тарихий обидалар ҳақида маълумот берди.

Шундан сўнг меҳмонлар халқимизнинг муқаддас ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замона талаблари даражасида малакали мутахассислар тайёрлаш, уларга зарур шароитлар яратиш, шунингдек, ажодларимиздан қолган ноёб манбалар асосида тадқиқ этилган маълумотларни халқимизга етказишга хизмат



қилаётган Тошкент ислом университетида бўлди.

Тошкент ислом университети тарих кафедраси муdiri С.Азизмўжаев университети фаолияти, шу атрофда жойлашган Юнусхон мажмуаси, Қалдирғон бий ва унинг устози Шайхонтоҳур макбаралари тарихи тўғрисида гапириб берди.

— Ўзбек ва қозоқ халқлари ҳаммаша бир-бирига елкадош бўлган, суянаган, — дейди Қозоғистон делегацияси вакили, иқтисод фанлари доктори Б.Сериков. — Вақт синовидадан ўтган ушбу дўстлик ришталари мустақиллик йилларида янада мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистонга ташрифимиз мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий тадбир — Президент сайлови кунига тўғри келгани учун делегациямиз Тошкентдаги 307-, 514-, 687-сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиш имкониятига эга бўлди. Шунга амин бўлдики, сайловга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ барча масалалар коллегиаллик асосида йўлга қўйилган. Сайлов участкалари жойлашган бинолар атрофини ободонлаштириш, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ва бошқа ташкилий масалаларда маҳалла фуқаролар йиғинлари ақидан қўмақлашгани биз-

да катта таассурот қолдирди. Ҳар бир сайлов участкасида имконияти чекланган фуқароларга ҳам барча қўлайлик яратилган. Саломатлиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш кўни участкага келолмайдиган сайловчилар учун кўйма кўтидан фойдаланиш имконияти яратилгани таҳсинга сазовор.

Делегация аъзолари XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темур ташаббуси билан бунёд этилган, кейинчалик Мирзо Улугбек томонидан қурилиши якунига етказилган Зағиота мажмуасини зиёрат қилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари И.Иномов мажмуа тарихи, мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган кенг қўлмали бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари туфайли мажмуа бутунлай янги қиёфа касб этгани, зиёратчилар учун яратилган замонавий шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

Меҳмонлар Зағиота туманида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар билан таништирилди. Улар Ўзбекистонда замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари,

муҳташам турар жойлар, спорт иншоотлари барпо этиш билан бирга, одамлар кўнгилли дам оладиган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Делегация аъзолари тумандаги «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, ҳудудда амалга оширилган кенг қўлмали бунёдкорлик ишлари, жумладан, қишлоқ аҳоли учун намунавий лихоналар асосида қад ростлаган замонавий уй-жойлар билан танишди.

Уч мингга яқин аҳоли истикомат қилаётган мажмуа ҳаллада намунавий лихоналар асосида 180 уй-жой барпо этилган. Янги уйлар табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган, алоҳида канализация кудуги ҳамда иситиш тизимига эга. Кўчалар кенг, йўл четларига мева ва манзарали дарахтлар экилган. Меҳмонлар маҳалладаги оталар қўйхонаси — гузар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар спорт майдончалари ва стадион фаолиятига юксак баҳо берди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д.Мирзажонов, «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси И.Юнусматов ва маҳалла фаоллари қозоғистонлик

меҳмонларнинг маҳалла институтини фаолияти ҳақидаги саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институтини тақомиллаштириш, унинг жамият ҳаётидаги иштироки, вазифа ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар, маҳалла, маҳалла раиси ва унинг вазифалари ҳақидаги маълумотлар меҳмонларга катта қизиқиш уйғотди. Бугунги глобаллашув даврида ёшларни ёт гоғлар ва турли иллатлардан асраш, навқирон авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули — маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон халқ усталари Олмаота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё хўнарамандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этади. Остона, Олмаота ва бошқа шаҳарларда бадий галерея ва музейларда машҳур ўзбек мусаввирларининг кўргазмалари намойиш қилинади. Ўзбекистон мусиқа ва театр жанрларининг Қозоғистонга гастроллари. мунтазам йўлга қўйилган. Қозоғистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ва бошқа кўпжаъли йирик маданий тадбирларнинг фол қатнашчиларидир. Пойтахтимиздаги «Қамолот» ёшлар ижод саройида ташкил этилган миллийлараро дўстлигини тарбия этувчи расмлар кўргазмаси ва концерт дастурлари бу алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилган изчил ислохотлар жараёнида маҳалла институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Давлат бошқаруви

органларининг кўпжаъли ҳуқуқ ва ваколатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилгани, натижада ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, маънавий муҳит барқарорлигига эришиш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари ўнлаб вазифалар айнан мазкур институтда амалга оширилаётгани ҳаётий мисолларда кўрсатиб берилди. Айниқса, маҳалла посбони ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчининг вазифалари, «маҳалла — таълим муассасаси — оила» ҳамкорлиги фаолияти меҳмонларга катта қизиқиш уйғотди. Бугунги глобаллашув даврида ёшларни ёт гоғлар ва турли иллатлардан асраш, навқирон авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули — маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон халқ усталари Олмаота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё хўнарамандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этади. Остона, Олмаота ва бошқа шаҳарларда бадий галерея ва музейларда машҳур ўзбек мусаввирларининг кўргазмалари намойиш қилинади. Ўзбекистон мусиқа ва театр жанрларининг Қозоғистонга гастроллари. мунтазам йўлга қўйилган. Қозоғистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ва бошқа кўпжаъли йирик маданий тадбирларнинг фол қатнашчиларидир. Пойтахтимиздаги «Қамолот» ёшлар ижод саройида ташкил этилган миллийлараро дўстлигини тарбия этувчи расмлар кўргазмаси ва концерт дастурлари бу алоҳида таъкидланди.

Қозоғистон Республикаси делегациясининг ташрифи самимий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ривожидида яна бир муҳим воқеа бўлди.


Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА ВА
ТАБРИКЛАР

■ Байрамингиз муборак бўлсин!



FARG'ONA NEFTNI
QAYTA ISHLASH
ZAVODI



«ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»



унитар шўъба корхонаси жамоаси

*юртдошларимизни мамлакатимиз
Бош қомуси — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг
24 йиллиги муносабати билан қутлайди.*

*Барчага тинчлик ва омонлик,
Ватанимиз равнақи йўлидаги
хайрли ишларингизда
муваффақиятлар тилайди!*



Маҳсулотлар сертификатланган

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV		

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
8935
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:00
Topshirilgan vaqti — 01:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 5 6